



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 8 февраль

Сирдарё тумани

4-1202-2201/23-сонли иш

Сирдарё туманлараро иқтисодий суди, судья У.Курбанов раислигида, С.Сайданов котиблигида, аризачи Анинг, жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамиятини банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини аризачи вакили А. (07.02.2022 йил 23-03673 сонли ишончнома асосида) иштирокида А биносида ўтказилган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

а н и қ л а д и :

Аризачи А (кейинчалик матнда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, “Ж ” масъулияти чекланган жамияти (кейинчалик матнда “жавобгар” деб юритилади) томонидан 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 26 январь кунига қадар солиқ органига тақдим этмаганлиги сабабли жавобгарнинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд муҳокамасида аризачи вакили, жавобгар томонидан жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 6 январь кунига қадар солиқ органига тақдим этмаганлиги аниқланиб, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилинганлигини ва бу ҳақда жавобгарга электрон хабарнома юборилганлигини билдириб аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар вакили суд муҳокамасига келмади, бундай ҳолатда суд ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига кўра жавобгар вакили иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўришни лозим топади.

Суд, аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Иқтисодий Процессуал кодексининг 215-моддасига кўра, иқтисодий судлар банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга.

Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш



тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текшириляётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинандиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини солиқ органига тақдим этмаганлиги сабабли солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилинган ва бу ҳақда жавобгарга электрон хабарнома юборилган.

Солиқ кодексининг 389-моддаси биринчи қисмига кўра, солиқ тўловчи жисмоний шахслар даромадидан олинандиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини солиқ органларига ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўн бешинчи санасидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Жавобгар томонидан 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинандиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини муддатида тақдим этмаганлиги учун банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар қайд этилган ҳолда кўчунбузилиш ҳолатлари бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш лозим бўлади.



Юқорида қайд этилганларга кўра суд, ариза талабини қаноатлантиришни, мазкур тоифадаги ишлар бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикасининг 06.01.2020 йилда қабул қилинган 600-сонли “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига асосан давлат божи тўловидан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божини ундирувсиз қолдиришни, почта харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқорида баён этилган кўра суд, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 115-122, 195, 197, 215, 220 - моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Анинг “Ж” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

“Ж” масъулияти чекланган жамиятининг барча тижорат банкдаги ҳисоб рақамларининг кириш қисми ва бюджет тўловлари, иш ҳақидан ташқари, харажат қисми бўйича операциялари тўхтатиб қўйилсин.

“Ж” масъулияти чекланган жамиятининг қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботларини тақдим этилгандан кейин, Ага корхона ҳисоб рақамини очиб бериш мажбурияти юклатилсин.

Давлат божи ундирувсиз қолдирилсин. А фойдасига олидиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати “Ж” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар 10 кун ичида Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) келтириши мумкин.

Судья

У.Курбанов

